# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 13 АПРЕЛЬ. сешанба, № 24 (5.980). Сотувда эркин нархда


### БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 14 апрель куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 13 апрель куни соат 9 дан соат 18 га қадар ва 14 апрель куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Шу йил 31 март куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов олий мактаб фанлари халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланган эди. Москвада жойлашган ушбу даргоҳнинг Президиуми Ўзбекистон раҳбарини мамлакатда илм-фан ва таълимни ривожлантириш соҳасидаги улкан хизматлари учун, хусусан, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида ушбу унвонга сазовор деб топган. 12 апрел куни Халқаро академия президенти В. Шукшунов Ислом Каримовга фахрий аъзолик дипломини тақдим этди.

Россиялик меҳмон дипломни топширар экан, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан бемисл экани, унинг замонга мослиги ва ҳар қандай талабга жавоб беришини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбарияти ўз олдига қўйган улкан мақсадларига таълим соҳасини кенг миқёсда ислоҳ қилиш ва кучайтириш орқали эришиш мумкинлигини яхши англаб етиб, бу борада барча имкониятларни ишга солмоқда. Бунда, айниқса, Президент Ислом Каримовнинг ўрни беқиёсдир, деди В. Шукшунов.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги таълим соҳасида рўй берган ва бераётган улкан ўзгаришлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатида кузатилмайди. Япония, АҚШ, Канада сингари ривожланган давлатларда ҳам ялпи миллий маҳсулотнинг 4-5 фоизи ёшлар таълим-тарбиясига қаратилади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 1998 йилда 7,6 фоизни ташкил этди. Жорий йилда уни 8,1 фоизга чиқариш режалаштирилган.

Президент Ислом Каримов халқаро академия дипломини қабул қилиб олар экан, бу ҳужжат Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришларнинг эътирофи эканини, илмнинг миллати бўлмаслигини таъкидлади. Ҳаёт — кураш, янги аср арафасида бу курашда кўп нарсани ақлий салоҳият ҳал қилади — фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишга киришганимизнинг бош сабаби ҳам шу, деди Ислом Каримов.

XXI аср бўсағасида ақлий салоҳиятнинг, таълим соҳасига сарф қилинаётган маблағларнинг аҳамиятини англаб олиш қийин эмас. Япония, Жанубий Корея мисоллари шуни кўрсатдики, таълим соҳасига ётқизилган сармоя орадан маълум вақт ўтгач, жуда салмоқли самара беради. Шу боис мамлакатимиз ҳукумати янги миллий дастур ишлаб чиқиб, уни ҳаётга жорий қила бошлади. Ҳозир ишлаётганлардан ташқари, яна мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва икки юздан зиёд академик лицейлар қуриш режалаштирилган. Уларда дарс бериш учун юзга яқин тармоқ бўйича қарийб эллик минг нафар муаллим тайёрлаш кўзда тутилган. Қолаверса, янги илм даргоҳларининг самарадорлигини ошириш учун уларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш ишига халқаро молиявий ташкилотлар жалб этилмоқда.

Шу ўринда Президентимиз таъкидлаган бир омилга эътибор қаратишимиз лозим. Ҳеч бир мамлакатда бошланғич ёки ўрта таълим даргоҳини тугатган ўсмирларнинг қанчаси ўз ўрнини топиб кетяптию, қанчаси бекор юргани жиддий тадқиқ этилмайди. Ваҳоланки, улар онги, тафаккури, дунёқараши энди шаклланаётган ёшлардир. Ўша пайтда улар очиқ денгиздаги кемага ўхшаб қолади — фойдали томонга бурилса, жамият ва давлат равнақи учун айни муддао, аксинча бекорчилик туфайли қинғир йўлларга юрса, кони зарар бўлади. Эндиликда мамлакатимизда бошланғич ёки ўрта таълимга эга бўлган ўсмирлар камида битта касбнинг эгаси ҳам бўлади. Бу эса, шубҳасиз, ёшларимизнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг дипломини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, В. Голишев, Т. Рисқиев, Н. Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди.

(ЎзА)

*Дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ. Ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ҳам дунёда топилмайди!*

**Ислом КАРИМОВ.**



## БИРЛАШГАН ЎЗАР

МУНОСАБАТ

Одатда минтақа миқёсида бирон бир учрашув ёки саммит ўтказиладиган бўлса, халқларимиз бу тадбирларни зўр қизиқиш ва иштиёқ билан кузатади. Чунки бундай учрашувларда муштарак мақсадларимизни рўёбга чиқариш борасида хайрли режалар белгилаб олинади, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар давом эттирилади. Шу маънода Ашгабадда Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлат раҳбарларининг Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг навбатдаги мажлисида нафақат Орол муаммоси, балки минтақа келажагини кўзлаб қабул қилган қарорлари, самимий учрашувлари тарихий аҳамиятга эгадир.

Аслини олганда бизлар, минтақа халқлари шу заминда асрлар давомида бирга яшаб, бир ариқдан сув ичиб оға-ини бўлиб кетган қондош, қардош халқларимиз, қадим-қадим замондан Мовароуннаҳр деб аталмиш бу заминда, барчамизнинг ота-боболаримиз юртга душман бостириб кирганда ёвга қарши ёнма-ён туриб курашганлар, яхши-ёмон кунларда бир-бирига мададкор бўлиб юрганлар.

Бинобарин, бизларнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган. Бу — юртбошимиз айтганларидек, Аллоҳ таоло бизга берган азалий ва абадий насибамиздир.

Халқимиз ҳам бекорга «бирлашган ўзар» деб айтмаган. Бугунги кунда мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш нафақат минтақавий, балки глобал аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, бизнинг азобли дардимиз — Орол муаммоси ўзбеку қозоқ, туркману тожик, қирғизлар ҳаёти ва тақдирига бевосита алоқадорлигидан ташқари, оламшумул аҳамият касб этади. Бинобарин, Оролбўйидаги экологик бўҳрон давлатларимизни бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга ундади.

Ашгабад саммитида Ўзбекистон раҳбари — Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Президенти Ислом Каримов ўтган икки йил мобайнида минтақа давлатларининг саъй-ҳаракати натижаси ўлароқ Оролбўйида бирмунча ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади. Энг муҳими, Орол денгизи сатҳининг камайиши тўхтатилди. Ҳамкорликда ташкил этилган жамғарма эса 40 миллионга яқин нуфузли минтақада янги иш ўринлари очиш, аҳолини зарур дори-дармон билан таъминлаш борасида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Айни чоғда Орол муаммоси ечими-

(Давоми 2-бетда).

## КУЙЛАСА ЧОЛҒУСИ БИР, ЙИҒЛАСА ҚАЙҒУСИ БИР

Ўзбекистон — азал-азалдан бағри кенг, меҳри бутун, қолаверса, дарвозаси ҳам, дастурхони ҳам очиқ, дўсту қадрдонларига хайрихоҳ ва илтифотли юрт. Юртимизнинг беназирлиги шундаки, у ҳеч қачон миллат ажратмайди. Шу боис ҳам халқларимизнинг кўп миллатли эканлиги асло изоҳ талаб қилмайди.

Чунончи ўзбек ва тожик халқлари қадим-қадимдан ажралмас дўст, қон-қариндош. Шу маънода халқларимизнинг оҳорли бир гапини эсга оладиган бўлсак, ўзбегу тожик худди эт билан тирноққа ўхшайди. Девор-дармиён қўшничилиги — ҳамсоялиги кўз илғамас олис мозийга бориб тақалади.

Қардош тожик халқининг бобокалони беназир зот — Абдураҳмон Жомий ва ўзбек халқининг буюк шоири, давлат ва жамоат арбоби Мир Алишер Навоий ўртасидаги ўзаро дўстлик ришталарининг теранлигини айтасизми ёҳуд икки буюк халқнинг фарзанди сифатида машҳуру жаҳонликка юз тутган домла Садриддин Айний ҳаёти ва ижодини оласизми ё бўлмаса буюк шоирлар Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзодаларнинг шиpу шакардай туйғулари пайваст топиб кетганлигини эслайсизми — буларнинг бари-бариси, юқоридаги фикрларимизни исбот кўзгусида намоён этади.

(Давоми 2-бетда).

## МОМО ЕР

*«Ва биз ерни тўшадик ва қандай ҳам яхши тўшагувчидурмиз биз»*

*(«Қуръон»и каримдан)*

Аллоҳ амри ила яралди Дунё... Яралди Замину, яралди Қуёш. Ойу юлдузлар ҳам саф чекди қатор. Қушу куртлар, сувлар, шамол, булутлар, сервиқор тоғлару, дарахтлар, ўтлар Момо ер кўксини қилди ихтиёр. Ажаб... Даҳшатга тушаман сувларга боқиб. Жимиллаб, гувиллаб ётади улар. Бағрига бўронни яшириб ётар. Ложуворд осмонни яшириб ётар. Дунёнинг қақраган дудоқларига тириклик сувини бериб ётарлар. Қаҳру итоб ила тўфонлар қилиб, жонларни тасбеҳдек териб ётарлар. Бул сувлар гоҳ сокин, гоҳ ювошланар, гоҳ дарғазаб бўлиб, қайнаб тошадир. Лек чайқалиб сира тўкилиб кетмас, Момо замин деган улкан косадан...

Титроққа тушаман тоғларга боқиб. Улар оғир... Вазмин, сирли, залворли. Ҳоҳласа қуёшни қўйгудек тўсиб. Аммо Моможоним, улуғ тоғлар ҳам ғамгусор кўксингдан чиққанлар ўсиб...

Нозланиб юрадур қоракўз жайрон... Ҳусну латофатин қилганча кўз-кўз. Туёқлари кўксинг тешиб юборар... Шунда ҳам лом-мимсан. Сокин ётасан. Жонинг оғриса-да, демайсан бир сўз.

Йўлбарслар юрурлар сервиқор, кибор. Чангалида оҳу инграб, берар жон. Кўксингга томади қайноқ қизил қон. Гиёҳлар титраниб, сесканиб кетар. Ҳўрсиниқларингдан тоғ кўпчиб тушар... Шунда ҳам сен жимсан, жоним Моможон. Менинг сабрлигим, бешик, тўшагим, қурту қумурсқага бирдек кўрпасан. Кўзу кўнгилларнинг қақроқ чўлига ифорлар сепасан, райҳон экасан. Ажаб...

Асрларнинг боши кўксингда ётар. Ётар оғушингда не улуғ жонлар. Қўли очиқ кетган Искандар, Чингиз, боши кўкка етган не-не ҳоқонлар. Улар гўдак чоғи момиқ товонин кўзларингга суриб, суйиб ўпгансан. Сўнг қирлар қўйнида бошу кўзидан чучмома сепгансан, жамбил сепгансан...

Шундай... жумлайи жаҳонга мушфиқ онасан. Оқ ювиб тарайсан, берасан сутлар. Бағрингда тухумдан чиқиб полопон, бағрингда жон таслим қилар бургутлар.

**Қушларга ризқу рўз берувчи ўзинг.**<br>
**Дарахтлар томири кўксингда пинҳон.**<br>
**Тўрт фасл тўрт тилда сўзлатиб, гуллаб,**<br>
**куртакларга кўзлар бергувчи ўзинг.**<br>
**Ҳатто кўксин чақмоқ йиртиб юборса, сенга**<br>
**кўз ёшларин илинар Осмон!**<br>
**Булутлар чўққингни ўпиб ўтарлар.**<br>
**Саҳронгга соялар ташлаб ўтарлар.**<br>
**Улуғ сувлар юзинг ювиб турарлар.**<br>
**Мажнунтоллар сочинг ўриб қўярлар...**

Арғумоқлар чопар ҳансираб, кишнаб, девона шамоллар етолмас унга. Булутлардай кўчиб, чиройли бошин индамай қўюрлар азиз кўксингга.

Оҳ, жоним онажон, қутлуғим Момом, боламга бешиклар ясаб ётасан. Фарзандларим қорда қолмасин дея, уйимга эшиклар ясаб ётасан. Бўлиқ донларингни дастурхонимга бўрсиллаган нонлар қилиб қўясан. Оғзимга минг турли ризқ илинасан. Сочларим сувингда ювиб қўясан. Қамишлар ўстириб, найлар тутасан. Дунёни тўлдира дея навога. Аршга сиғмаган дам мангу жой бердинг, ҳазрат Одам Ато, Момо Ҳаввога...

Бу қарзлар жонимни ўйиблар борар: сенга тутганим гул бўлдими ёлғиз? Унда қайдин пайдо қутлуғ кўксингда шунча жароҳатлар, шунча қонли из? Кўкдан садо келар нурга қоришиб: **биз Одам боласин қилдик мукаррам. Етти қат осмонни бахш этдик унга. Яралмиш заминнинг еттисини ҳам.**

Одам боласининг қусурлари мўл: ҳамон тўкиламиз, ё тўлмадикми? Момо Ер самога юзланиб ётар: **«Оё, биз ерни тўшак қилиб бермадикму?»**

II

*«Тағин сен Канъон тепаликларидан бир тепаликда ўлтириб, «эй парвардигорим, дилимнинг меваси, кўзимнинг қорачиғи ўғлимни менга қайтариб бер», деб зорланиб турган ғамгин мўйсафиднинг ўғли бўлмагин.»*

Юсуфни бозорга солди бу дунё:

**Мана бу оқил қулни ким олади?**<br>
**Мана бу ғариб қулни ким олади?**<br>
**Мана бу нодир қулни ким олади?**<br>
**Мана бу ҳайдалган қулни ким олади?**<br>
**Мана бу латофатлик қулни ким олади?**

Хиёнат қўлида титрайди қисмат. У зулмат кўксида бир қуёш эди. «Кичкина бўлса ҳам савол саволдир». «О, мени сотганлар, ўтга отганлар оғаларим эди — қориндош эди.» Ҳамон шу жумбоқдан қийналади жон. Ватанни сотарлар. Дўстни сотарлар. Кўксингда от ўйин пайдо қилишиб, сенга ўқ отарлар, олов отарлар.

Онага қилични сермаб бўларми? Онанинг юзига мумкинми урмоқ? Момо Ер инграниар: фарзандлар учун бормикан бундан-да улуғроқ гуноҳ?

**Юсуф юзларининг гўзаллиги ҳам,**<br>
**Юсуф кўзларининг гўзаллиги ҳам,**<br>
**Сочларининг қаро-қаро тунлари,**

(Давоми 2-бетда)

## ВАТАН ИЛДИЗЛАРИ

- **Орол ва Бадайтўқайнинг бугунги манзаралари**
- **Кўпаяётган қирғовул ва оҳулар**
- **Буғига зарар етказган жарима тўлайди**
- **Мустақил фикрлаш — ҳаётга масъуллик**

Она табиат

Ўтган қишда об-ҳавони кузатувчилар Қорақалпоғистонда қор ёғишини бир неча марта ваъда қилишди, лекин қор ёғмади. Овчиларнинг ҳафсаласи пир бўлди, чунки қор ёғса тўқайдан питирлаб қирғовуллар учади, қуён излари ҳам қорда аниқ кўриниб туради. Шунда ов қилиш осон кечади. Аммо...

Бадайтўқай бундан мустасно. У давлат қўриқхонаси, бу ерда ўқ овози тугул қаттиқроқ йўталиш ҳам мумкин эмас. Устюртдаги Қоплонқир, Оролдаги Борса-келмас ва чўлдаги Қизилқум қўриқхоналари орасида ягона Бадайтўқайгина ўзининг зич ёввойи ўрмонлари ва ҳайвонот дунёсининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бир томонидан Қоратоғ тизмалари, иккинчи томонидан Амударё куршаб олган ўрмон билан адирни Кўкдарё ажратиб туради, бу жаннатмакон жой Қизил китобга тушган буғилар, қарчиғаю какликлар маконидир.

— Ҳозир насл кўпайтириш учун 14 буғини қўлда боқаяпмиз, аслида эса, уларнинг сони 120 дан ошиб кетди. Қўриқхонамиз майдони буғиларга торлик қилаяпти, — дейди қўриқхона директори Холбой Мамутов. — Аслида битта буғининг табиий ўтлоғи 150 гектар бўлиши керак эди. Қўриқхонамизнинг умумий майдони 6462 гектарни ташкил этганини ҳисобга олсак, тўқайзоримизнинг биологик имконияти 40 та буғини боқишгагина етади, холос. Ундан ташқари, 140 дан ошиқ ёввойи тўнғиз, қарийб 4000 бош қирғовул мавжуд, айтиш керакки, қўриқхона ўзининг биологик имкониятлари чегарасида турибди.

Қўриқхона ҳудудида ўн беш хил балиқ, шунча турдаги сут эмизувчи, юзга яқин хилдаги қушларни учратиш мумкин. Узоқ йили олиб келинган учта ноёб Бухоро оҳуси ҳозир йигирма бошга етди. Кўпайтириш мақсадида олинган оҳунинг олтитаси ҳозир «Зарафшон» қўриқхонасига кўрк бағишлаб юрибди.

Бадайтўқай нафақат ҳайвонот дунёси шунинг билан бирга ўсимлик дунёси билан ҳам машҳурдир. Бу ерда 167 турдаги турфа хил ўсимлик ўсади.

— Биологик имкониятлар чегараланган бўлса, нима, буғиларнинг туёқ сони камайтириладими? — деб сўрадим атай.

— Биласизми, агар кимда-ким буғига шикаст етказса, нақ 72000 сўм жарима тўлайди, шунинг учун уларнинг туёқ сонини камайтириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас! Яқинда Қизилкум қўриқхонаси

(Давоми 3-бетда)

## ЮРТИМИЗ БОҒЛАРГА БУРКАНСИН

Сўз-Олий Мажлис депутатларига

**Ҳасан БЎРИЕВ, Тошкент аграр университети ректори:**

— «Ўрмон тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилгандан сўнг уч ярим ой вақт ўтди. Шу давр мобайнида хизмат юзасидан сафардами, сайловчилар билан учрашувдами — қаерда бўлмасин — мазкур қонун ҳаммани қизиқтираётганлигига ишонч ҳосил қилдим. Негаки, дарахт ўтқазиш, муътабар заминимизни боғларга буркаш удуми халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Ўрмончилик иши, агар таъбир жоиз бўлса, жамият тақдирига даҳлдордир.

Тошкент аграр университети ўрмон хўжалигига кадрлар тайёрлаши сабабли ҳам биз ушбу қонун лойиҳасини ҳар томонлама ўрганиб чиқдик. Ўрмон хўжалиги кафедраси олимлари, талабаларимиз мазкур ҳужжат бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, улар ичида энг маъқулларини қўмитага таклиф этдик.

Айни пайтда амалий ишларни ҳам унутганимиз йўқ. Ўқув даргоҳимизда 2 гектар майдонни ишғол этган жойда ўрмонбоп экинлар кўчатзорини вужудга келтирдик.

Хуллас, эртага очиладиган сессияда «Ўрмон тўғрисида»ги қонунни қабул қилсак, табиат ва инсон муносабатларини меъёрий йўлга қўйишда муҳим ҳуқуқий асосга эга бўламиз.

**Турғун Ботиров, Чиноз туманидаги Амир Темир номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.**

— Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида «Ўрмон тўғрисида»ги Қонуннинг муҳокама қилиниши ўрмончи ва боғбонларни беҳад қувонтирмоқда. Чунки унда ўрмонларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, ҳосилдорлигини ошириш, ёнғиндан сақлаш вазифалари аниқ белгилаб берилади.

Қонуннинг 23-моддаси ўрмондан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг кафолатларига бағишланган. Шу модданинг иккинчи хатбошиси «Ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузиш оқибатида етказилган зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда шу ишда айбдор бўлган ташкилот, хўжалик ёки шахслардан ундирилади» жумлалари билан тўлдирилса фикр аниқ бўлади.

Қонуннинг 35-моддаси ўрмонларни кўпайтиришга бағишланган. «Ўрмонларни кўпайтириш, ўрмонлардан доимий фойдаланувчилар томонидан ҳудудларнинг сердарахтлигини ошириш, ўрмонларнинг нав таркибини яхшилаш, қимматли навли дарахтларни кўпайтириш ва эрозия жараёнларининг олдини олиш мақсадида махсус дастурлар асосида олиб борилади» дейилган жумлалардан сўнг хат бошидан «Ўрмонларнинг нав таркибини яхшилаш, қимматли навли дарахтларни кўпайтириш учун ҳудудларда яхши навли кўчатлар етиштирувчи ўрмон кўчатчилик участкаларини ташкил қилиш йўлга қўйилади» деб ёзилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

## Диққат: танлов!

*«Қишлоқ ҳаёти» газетаси мамлакатимизда кечаётган улкан янгиланишлар, хусусан, қишлоқ жойларида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, меҳнаткашлар турмуши, фикр-ўйларида, тафаккурида юз бераётган ўзгаришларни теран очиб берган мақолалар, очерклар, фотолавҳалар учун махсус танлов эълон қилади.*

*Танловга тақдим этилган материалларда жамоа, фермер, ширкат хўжаликларида олиб борилаётган яратувчилик меҳнати, тадбиркорлар, мулк эгалари фаолияти, замондошларимизнинг маънавий қиёфаси, ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишда учраётган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари чуқур таҳлил этилиши, янгиланишлар моҳияти ҳаётий таъсирчан мисолларда очиб берилиши лозим.*

***Ғолиблар қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:***

***Битта биринчи мукофот — рангли телевизор.***

***Иккита иккинчи мукофот — диктофон.***

***Учта учинчи мукофот — мамлакатимизнинг энг гўзал оромгоҳига йўлланма.***

*Танлов 1999 йилнинг декабр ойида якунланади.*

*Барча ижодкорларни танловга таклиф этамиз.*

***«Қишлоқ ҳаёти» газетаси таҳририяти***

